



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI**



**BUXORO
DAVLAT
UNIVERSITETI**



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI**

TA'LIM TIZIMIDA CHET TILLARNI O'RGANISHNING ZAMONAVIY MUAMMOLARI VA ISTIQBOLLARI

MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN



5-6 mart 2020 yil

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР ФАКУЛЬТЕТИ**

НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Халқаро илмий-амалий анжуман

5-6 март 2020 йил

**MODERN PROBLEMS AND PROSPECTS OF LEARNING FOREIGN
LANGUAGES IN EDUCATIONAL SYSTEM
International scientific-practical conference**

March 5-6, 2020

**СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ ОБУЧЕНИЯ
ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ
Международная научно-практическая конференция**

5-6 марта, 2020

БУХОРО – 2020

Ergasheva G., Amonova D. “MA’NAVİYAT” KATEGORIYASINING ADABIYOTLARDA TALQINI	789
Янгибоева А. ЁШЛАРНИ ОЙЛАВИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ.....	790
Ganieva O.Kh., Islomova M.I. ENVIRONMENTAL SETTING IN THE NOVEL “THE GRAPES OF WRATH”	792
Ganieva O.Kh., Ergasheva M.B. DESCRIPTION OF APATHY IN THE NOVEL “THE GRAPES OF WRATH”	794
Jo’rayeva M.M., Norova M.F. FRANSUZ TILIDAGI MATNLARDA TURIZMGA OID TUSHUNCHALARNI IFODALASHNING LEKSIK VOSITALARI.....	795
Жўраева М.М., Очилова М.М. «ЭРТАК», «ЭРТАК КОНЦЕПТИ» ВА «ЭРТАК ФРЕЙМИ» ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР	797
Шарипова М.Ш. ОНА ТИЛИ ВА ЧЕТ ТИЛИНИ КИЎСЛАБ УКИТИШ ОРҚАЛИ ЭСТЕТИК ДУНЁКАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	800
Зиёдуллаев А.Р. A GLIMPSE ON PLANNING AND TEACHING MULTI – LEVEL CLASS.....	802
Тўраева М.З. INNOVATIONS THAT CHANGED ENGLISH LANGUAGE TEACHING IN RECENT YEARS.....	805
Жўраева М. ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЭРКИН ВАЗН.....	807

Activity

1. Choose one of the previous abilities, what online tool would you use to assess that ability?

11. Virtual Learning Environment

A **virtual learning environment (VLE)** in educational technology is a Web-based platform for the digital aspects of courses of study, usually within educational institutions. VLEs typically:

1. allow participants to be organized into cohorts, groups and roles.
2. present resources, activities and interactions within a course structure.
3. provide for the different stages of assessment.
4. report on participation; and have some level of integration with other institutional systems

References

1. Allwright, D. (1984). The importance of interaction in classroom language learning. *Applied Linguistics*, 5(2), 156- 179. doi: <https://doi.org/10.1093/applin/5.2.156>
2. Agullo, G. L. (2006). Overcoming age-relate differences. *ELT Journal*, 60(4), 365-373. doi: <https://doi.org/10.1093/elt/ccl027>
3. Anil, B. (2016). Top-up students second langue talk time through Vlogs. *Indonesian Journal of EFL and Linguistics*, 1(2), 129-143. doi: <http://dx.doi.org/10.21462/ijefll.v1i2.9>
4. Barrett, M. (2007). Children's knowledge, beliefs and feelings about nation and national groups. Hove: Psychology Press.
<https://www.britishcouncil.org/voices-magazine/ten-innovations-have-changed-english-language-teaching>
<https://cyberleninka.ru/article/n/innovative-technologies-in-teaching-english>

ФРАНЦУЗ ВА ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ЭРКИН ВАЗН

Жўраева М. БухДУ магистранти

Калит сўзлар: жанр, вазн, шеърият, “эркин шеър”, таржима, фалсафий мазмун, ички кечинма.

Ключевые слова: жанр, размер, лирика, “свободный стих”, перевод, философское содержание, внутренние переживания.

Keywords: genre, weight, poetry, “free poetry”, philosophical content, internal experience.

Аннотация

Ушбу мақолада француз ва ўзбек адабиётида кўп учрайдиган жанрлар ҳақида, хусусан, “эркин шеър” (верлибр) вазни ҳақида сўз юритилади. Француз ва ўзбек адабиёти намояندалари ва уларнинг ушбу жанрдаги ижодидан намуналар келтирилган.

Аннотация

В этой статье речь идёт о жанрах в особенности о свободном стихотворении (верлибр), который часто встречается во французской и узбекской литературы по этому жанру.

Annotation

In this article it is told about the genres which we often come across in Uzbek and French literature, in particular the rhythm “Free poetry” (vers libre). Here we can see some examples of works written in this genre of French and Uzbek writers.

Маълумки ўтган асрнинг 20 - йилларида ўзбек шеъриятида шаклلىй янгилашиб жараёнлари кечди. Бу ўзгаришларнинг асосида жаҳон шеърияти таъсирида юзага келган вазнлардир. Хусусан, француз шеъриятидаги асосий вазнлардан бўлган верлибр Поль Элюар, Эмиль Верхарн изланишлари орқали ўзбек шеъриятида ҳам юз кўрсатди.

Хусусан, Чўлпон, Гафур Гулом, Хамид Олимжон шеърлари ўз даврида шу жиҳатдан

шухрат қозонди. Бу вазннинг жахон шеърлятида муҳим ўрин эгаллаши ва миллий адабиётларга ўтиши ўзининг объектив асосларига эга. Сабаби, мазкур вазндаги шеърларда бўгинларнинг тенглиги ҳам, туруқларнинг бир хил тартибда такрорланиб келиши ҳам, хиждоларнинг қисқа чўзиқлиги ҳам муҳим эмас. Хис- туйғулар тугёнида яралган бундай вазндаги шеърларда асосий талаб охангдорликка эришишдан иборат. Яъни бўгинлар сони исталган пайтда тенг бўлиши ёки исталган пайтда тенг бўлмаслиги муҳим.

Бу вазн иждокор қалбида жўш урган кечинмалар пўртанасини ўзида намоён этиши билан адабиётда мустахкам ўрин эгаллаб келмоқда. Албатта, бу вазннинг муҳим хусусияти оқ шеърдан фарқли равишда қофиянинг қўлланишидир. Шу нуқтаи назардан француз ва ўзбек шеърляти намуналари мисолида верлибрнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Ўзбек шоирлари Ойбек, Шукр Қурбон, Тохир Қаххор, Шермурод Субҳон, Нурилло Остон, Чори Аваз қабилар томонидан XX аср француз шеърляти намуналари ўзбек тилига ўтирилган. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, таржима қилинган шеърларнинг асосий қисми эркин вазнда демак, бу эркин вазннинг француз шеърлятида етакчи эканлигини асослаб туради. Эркин вазннинг яна бир афзаллик томони фалсафий мазмунни кучайтириб бериши эди.

Қалам ясайдиган гўшада

Қалам ясайдиган гўшада 9

Сават тўқимокда 6

Сўнгги қалдирғоч 5

Ушлаб қолмок учун кун ёгдусини 11

Қаровсиз куз қирғоқларини 9

Чизаёттир сўнгги қалдирғоч 9

Қишлоқ қафтидаги 6

Майин уйқунинг 5

Зарраларин чўкилар оқшом 9

Тунингиз хуш бўлсин фикрлар 8

Сукунатни ўзимга қаратиб 10

Жимгина чорлайман жимгина 9

Куз.Салкин кечалар тушиши билан қалдирғоч иссиқ ўлкаларга учиб кетади. Бу фасл офтоби тафти кундан кунга пасайиб боради. Мазкур сатрларда ана шу ҳаётий манзаралар акс этган.

Гўзал ва ўхшаш

Кун сўнгидаги бир чехра 8

Куннинг хазонлари аро бор бешик 11

Тугаётган ялонғоч ёмғир 9

Бутун бошли қуёш яширин 9

Булоқларнинг булоғи замин тубида 12

Барча қўзгуларнинг синиқ қўзғуси 11

Сукунат тарозисидаги бир киёфа 13

Барча тошлари сингари бир тош 10

Куннинг сўнги нурларининг сопқони учун 13

Унутилган барча киёфаларга ўхшаш киёфа 16

Belle et Ressemblante

Un visage à la fin du jour 8

Un berceau dans les feuilles mortes du jour 9

Un bouquet de pluie nue 7

Tout soleil caché 5

Toute source des sources au fond de l'eau 8

Tout miroir des miroirs brisé 8

Un visage dans les balances du silence 10

Un caillou parmi d'autres cailloux 8

Pour les frondes des dernières lueurs du jour 11

Un visage semblable à tous les visages oubliés 14

Ички кечинмалар

IV

Куйдирувчи ҳам ёввойи кучнинг чехраси 13

Қора сочлар ичра олтин Жанубга оқар 13

Гунохкор тунларда 6

Олтин ютиб юборади нопок юлдузни 13

Хеч ким бўлишмаган тўшакда 9

Чакка томирларда 6

Худди сийналарнинг учидагидек 11

Хаёт бўйин эгмайди 7

Кўзларни ўйиб олмас хеч ким 9

На уларнинг ёлкини ва на ёшларини ича олмайди 19

Қон улардан устун галаба қилади фақат ўзичун 17

Тузатиб бўлмас қуюшқондан чиққан 11

Фойдасиз 3

Бу саломатлик зиндон қуради 10

Intime IV

Figure de force brulante et farouche 12

Cheveux noirs où l'or coule vers le sud 9

Aux nuits corrompues 6

Or englouti étoile impure 8

Dans un lit jamais partagé 8

Aux vagues des tempes 6

Comme aux bouts des seins 5

La vie se refuse 5

Les yeux nul ne peut les crever 9

Boire leur éclat ni leurs larmes 8

Le sang au-dessus d'eux triomphe pour lui seul 13

Intraitable démesurée 8

Inutile 3

Cette santé badt une prison 8

V

Ёлғиз истагим сени севмок 9

Ёмғир водийни тўлдиради 9

Балик дарёни 5

Сени ёлғизлигимнинг бўйига мослаб ясадим 15

Бекинишга бутун дунё бор 9

Қунлар тунлар бир биримизни англаб олишчун 14

Кўзларингда сен ҳақдаги ўйларимдан 12

Сенинг тасаввурингдаги оламдан 11

Бошқа хеч нарсани қўрмаслик учун 11

Қабокларинг бошқарадиган қунлар ва тунлар 14

V

Je n'ai envie que de t'aimer 9

Un orage emplit la vallée 9

Un poisson la rivière 7

Je t'ai faite à la taille de ma solitude 11

Le monde entier pour se cacher 9

Des jours des nuits pour se comprendre 10

Pour ne plus rien voir dans tes yeux 10

Que ce que je pense de toi 8
Et, d'un monde à ton image 7
Et, des jours et des nuits réglé par tes paupières 14

Бугун шеърятда “эркин шеър” (верлибр) нима эканлигини ҳамма билади. Бу ерда биз замонавий кўринадиган, аммо 150 йилдан ошган услубни кўриб чиқамиз. “Эркин шеър” мумтоз шеърятнинг баъзи қондаларини ҳурмат қилиши керак, акс ҳолда у насрга айланади. “Эркин шеър” жанрида ёзилган поэма ҳеч қандай доимий даврий тузилишга ҳам, ўлчамга ҳам, бандга ҳам, қофияга ҳам эга эмас. Бироқ, у маълум бир минимал хусусиятларни сақлаб қолади, баъзи ҳолларда ўзига хос тартибни тақлиф қилади. Бу ўлчов узунлиги билан ажралиб туради ва типографлар “айлантирувчи оқлар” деб атайдиган жойни яъни матнни ўраб турган оқ рангни ўз ичига олади. Жойлашадиган маълум бир метрикани ва ритмни ишлатади. Верлибр насрдан фақат муайян нутқий бўлак (мисра)ларга бўлингани билан фарқланиб, бўлиниш ёзувда ҳар бир мисрани алоҳида сатрга ёзиш, талаффузда эса интонация (ритмик пауза ва ритмик акцентлар) ҳисобида таъкидланади. Верлибрнинг дунёвий адабиётга кириб келиши немис романтизми билан, фаоллашуви эса француз символист шоирлари ижоди билан боғлиқ.

Шеърятдаги бу “эркин шеър” жанри ҳозирги замонда оммалашган бўлса-да, баъзи уринишларни анча олдинроқ, яъни 16-асрда ҳам кўриш, учратиш мумкин.

Масалан, Виженер қалами остида ижод қилган Девид Тёрненинг “Psaultier”и ўлчаб ёзилган насрда ёки “эркин шеър” жанрида ёзилган. (1588) Француз тилида “тартибсиз шеър”дан (олдин пайдо бўлган ва ҳар доим мавжуд бўлган бу шаклни биринчи бўлиб Виженер номлаган) Ла Фонтен қофияли хикояларда фойдаланган.

“Эркин шеър” жанри XIX асрга келиб, ҳақиқий классика маниясида намоён бўлди. Романтизм ва парнасусда ўзининг юқори нуктасини топди. Леконт де Лизл, Казалис, Силли Прудом, Франсуа Корре, Хосе Мария де Нереди ёки Луиз Мендард каби шоирлар замонавийлик билан уйғунлашган, хусусан, дарвинизмга кўпроқ эътибор қаратганлар. Аммо улар жуда классик шаклда ёзадилар, улар лирик романтиканинг ортқча нарсаларини рад этадилар ва ўзларининг матнларига ушбу верлибр- “эркин шеър” жанридаги умумийликни тақлиф қилишни хошлайдилар.

Биз биламизки, адабий оқимлар ҳар доим улардан олдинги нарсаларга муносабат билан тугулади. Бу ўта чекланган классик шакл, унинг оҳанги энг юқори нуктадир, шу билан бирга у маълум бир мослашувчанликни келтириб чиқаради.

Шарль Бодлер бунга жавобан ўзининг машҳур “Кичик шеърлар”ини насрда ёзади (1861) Бу эркин шеър эмас, лекин XX аср эълон қиладиган шеърятни янгилашнинг янги усулини кўрсатиши керак эди:

Il faut etre toujours ivre

Tout est là : c'est l'unique question.

Pour ne pas sentir l'horrible fardeau du temps qui brise vos épaules et vous enivrer sans trêve .

Хаммаси шу ерда,

Бу ягона савол:

Елкангизни синдириб, ерга суянадиган вақтнинг дахшатли юкининг ҳис қилмаслик учун сиз доимий равишда маст бўлишингиз керак.

Европанинг барча шеърят ва француз мумтоз классикасининг ривожланишига таъсир кўрсатган эстетика ва рамзийликнинг асосчиси Шарль Бодлернинг 50 та кичик асардан ташкил топган ушбу тўплами 1857-64-йиллар орасида ёзилган. Тўпламнинг фақат охириги қисми (Epilogue) шеърда келтирилган:

Epilogue

Le coeur content, je suis monté sur la montagne

D'où l'on peut contempler la ville en son ampeur

Hôpital, lupanars, purgatoire, enfer, baigne

Où toute énormité fleurit comme une fleur

Tu sais bien, ô Satan, patron de ma détresse
Que je n'allais pas là pour répondre un vain pleur
Mais comme un vieux paillard d'une vieille maîtresse
Je voulais m'enivrer de l'énorme catin
Donc le charme infernal me rajeunit sans cesse
Que tu dormes encore dans les draps du matin
Lourde ,obscur, enrhumée, ou que tu te pavanes
Dans les voiles du soir passe-menté d'or fin
Je t'aime ,oh, capitale infame ! Courtisanes
Et bandits, tels souvent vous offrez des plaisirs
Que ne comprennent pas les vulgaires profanes !

Хотима

Бахтли юрак, мен тоққа чиқдим
Бу ердан кўзга кўринар яккол
Шаҳарнинг энг чекка гўшасига
Касалхона, дара, қамоқ, жаҳаннам
Разиллик тошади барчасида ҳам
Худди гул каби гуллаб яшнайдди.
Эй шайтон- менинг азобларим хомийси
Сен яхши биласан, -ва мен у ерга
Беҳуда йиглаш учун бормаганимни.
Кекса бир беканинг эски гамидек
Мен улкан қусурдан қутулиш учун
Май ичиб сархуш бўлиш истардим
Жозибаси унинг, оханграбоси
Ўзига чорларди мени тўхтовсиз.
Сен хали ҳам тонгда чойшабда
Оғир, босиқ тўлгонганингда
Туннинг эса майин, зарбоф елканларида ҳам
О! Қабих пойтахт, мен сени севдим.
Босқинчи ва лаганбардорлар
Ёқимсиз завқларни тақлиф қиласиз
Қандайдир тахқирни тушунмагандай!

Тўпламни ўқишдан кўриниб турадики, Бодлернинг дарди, ҳақиқатдан ҳам
Парижнинг “қаллоблари” дардидир ва у бизга оддий шаҳар билан боглиқ бўлган ижтимоий
носозлик ташхисини тақдим этади.